

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 14 март, № 50 (5724) Пайшанба


ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ



*2009 — 2012 йилларда Андижон вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 2115 та муҳташам тураржой бунёд этилиб, қишлоқ аҳолисига “калити билан” топширилди.*

*Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари туфайли нафақат Андижон вилояти маркази, балки чекка қишлоқлар ҳам тобора обод бўлиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ҳудудлар чиройига ўзгача кўрк бағишламоқда.*

## Обод юртнинг мафтункор гўшаси

Дастлаб Асака туманининг Ниёзботир, Шаҳрихон туманининг Абудабий қишлоқларида, Олтинкўл туманининг Иттифоқ маҳалласида 60 та уй-жой қурилган эди. Бунинг учун жами 3 миллиард 332 миллион сўм сарфланган бўлса, шунинг 25 фоизи бошланғич бадал сифатида аҳоли томонидан йўналтирилди, холос. Қолган қисми “Қишлоқ қурилиш банк”нинг имтиёзли кредитлари эвазига молиялаштирилдики, бу қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Кейинги йилларда бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайиб, вилоятнинг барча ҳудудлари қамраб олинаётир. Узоққа бормайлик, ўтган йили 770 та ана шундай тураржой фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ тармоқлари билан таъминланган ҳолда, равон йўллар бунёд этилди. Шу билан бирга, 20 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ишга туширилди.

“Қишлоқ қурилиш инвест” компаниясининг вилоят филиали мутахассисларининг айтишича, бу уйлар Юртбошимизнинг Андижон вилоятига сафари чоғида берган тавсиялари асосида лойиҳалаштирилган. Мазкур жараёнда қишлоқ аҳолисининг бугунги кун талаб ва эҳтиёжлари ҳам инобатга олинди. Натижада архитектура ва дизайннинг энг илғор талаблари асосида ўзбекона турмуш тарзимизга мослаштирилган бир қаватли, 3, 4, 5 хонали уй-жойлар бунёд этилди. Хонадонлар ҳовлисининг ер майдони 6 сотихга етказилиб, транспорт воситаси сақланадиган махсус жойлар қурилди.

— Андижон шаҳридан бошланиб Наманган вилояти билан туташадиган катта йўлнинг 25 километрдан зиёдроқ қисми Олтинкўл туманидан ўтади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, “Олтинкўл водий гулшани” фермер хўжалиги раҳбари Сиёсатхон Абдуллаева. — Бугун ушбу йўлдан ўтган киши халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тобора юксалиб бораётганига яна бир карра амин бўлади. Гап шундаки, вилоятимиз марказидаги Ўзбекистон кўчасини эслатадиган мазкур йўл бўйлаб замонавий тураржойларга уйғун ҳолда, 72 та кўп қаватли савдо, сервис хизмати ҳамда умумий овқатланиш шохобчаси, корхона ва ташкилотлар бинолари барпо этилди. Айни пайтда яна 28 та ана шундай объектда қурилиш ишлари қизғин давом эттирилаяпти. Ишончим комилки, бу мустаҳкам ва замонавий иморатлар нафақат бизга, балки фарзандларимизга ҳам узоқ йиллар давомида хизмат қилади.

Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гап кетганда, албатта, Андижон тумани қишлоқлари алоҳида тилга олинади. Сабаби, бу ерда намунавий лойиҳалар асосида тикланаётган иморатлардан ташкил топган, шаҳарларни эслатувчи янги мавзелар вужудга келаяпти. Бунга Оқёр қишлоғининг Нўхатак ва Истиқлол, Хартум қишлоғининг Ўрикзор ва Исломобод маҳаллалари, шунингдек, Ҳакан қишлоғидаги обод манзиллар яққол мисол бўла олади. Ушбу мавзеларда кўркам уйларга мос равишда қурилган ижтимоий соҳа объектлари бинолари ҳам барчанинг ҳавасини келтираяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-бетда).




2012 йилда Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан қиймати

**436**

миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш орқали товарлар сифатини яхшилаш, жаҳон талабларига мос янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

## Саноатимизнинг жадал ривожи

### ҳудудларда ташкил этилаётган корхоналарнинг самарали фаолиятида яққол намоён бўлмоқда

Юртимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит натижасида саноат тармоқларига жалб этилаётган сармоялар ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришда кенг имкониятлар эшигини очаяпти. Пировардида нафақат ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилаяпти, балки чет эллик харидорларга қўшимча қийматга эга товарлар етказиб берилаяпти. Ўтган йили Фарғона вилоятида ташқи савдо айланмаси бир миллиард 66 миллион АҚШ долларидан ошиб, 436 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилингани бунинг яққол тасдиғидир.

Шуниси эътиборлики, вилоятда истиқлолнинг дастлабки йилида хорижлик шериклар билан биргаликда атиги 2 та корхона ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб, бундай ишлаб чиқариш субъектларининг сони 107 тага етди.

(Давоми 2-бетда).



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

**Қисқа** *сатрларда*

● Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” муассасаси жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Он-лайн тарзида ўтган йиғилишда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида “Ўзбекистон — менинг уйим” шиори остида ободонлаштириш ойлигининг бориши атрофлича муҳокама этилди.

● **“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда “Менинг бизнес ғоям”, “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор” каби лойиҳаларга ёшларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётгани ҳақида сўз юритилди.**

● Бухоро вилояти марказида тиббиёт коллежларида тайёрланаётган мутахассисларнинг амалиёт жараёнларини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда тиббий таълим масканларида тайёрланаётган мутахассисларнинг амалиёт жараёнларини самарали ташкил этиш, бунда, айниқса, “Устоз — шогирд” анъанасидан кенг фойдаланиш етук кадрларни камол топтиришда устувор аҳамият касб этиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Янги қувватлар, қўшимча имкониятлар

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги тадбир республикамизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш масаласига бағишланди.*

АНЖУМАН

Таъкидландики, глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида кейинги йилларда дунёнинг кўплаб давлатлари саноатида пасайиш кузатилиб, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетди. Ана шундай шароитда мамлакатимиз озиқ-овқат саноати жадал ривожланиб, йиллик ўсиш суръати ўртача 8-10 фоизни ташкил қилаётгани қувонарлидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда соҳада 6 минг 600 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Натижада ички бозор улар томонидан ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой, гўшт-сут, қандолат ва макарон маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, салқин ичимликлар билан тўлдирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бошқа соҳалар билан бир қаторда, тўқимачилик саноати ҳам барқарор ривожланди. Юртимизда мазкур соҳага хорижий сармояларни жалб қилиш, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиш, экспорт маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

## Ҳиндистонда тақдимот

Ўз-ўзидан аёнки, тўқимачилик тармоғини ривожлантиришда хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Ана шундай шериклардан бири Ҳиндистон бўлиб, сўнгги йилларда бу мамлакат билан ўзаро муносабатлар янада кенгайиб бормоқда.

Деҳлида бўлиб ўтган тақдимот маросими икки дўст мамлакат ўртасида ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг миқёсли ҳамкорликка, шунингдек, Ўзбекистонда тўқимачилик ва ипакчилик тармоқларининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари мавзуига бағишланди.

Тақдимот чоғида иштирокчилар юртимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қулай шарт-шароитлар билан таништирилди. Пахта толасини қайта ишлаш жабҳаси ҳамда унинг имкониятлари, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни тайёрлаш ва уларга нисбатан ички ҳамда ташқи бозордаги талаб тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳам тадбир қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистоннинг замонавий транспорт-коммуникация тизими, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда “Ангрен” махсус индустриал зонасидаги сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур тақдимот маросими Ҳиндистон Тўқимачилик вазирлигида ташкил этилган тўқимачилик соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма ишчи гуруҳининг иккинчи мажлиси доирасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси қатнашган ушбу мажлисда тўқимачилик соҳасига сармояларни кенг жалб этиш ва савдо-сотиқ соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаолияти ҳамда саноат соҳасининг тараққиёти учун қулай шарт-шароитлар яратилганлиги мажлис иштирокчилари томонидан эътироф этилди. Тадбир якунида “Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси ва Ҳиндистон Ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш кенгаши ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

**Ҳиндистон Тўқимачилик вазирлиги департаменти директори В. Сринивас** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида ўз таассуротларини ўртоқлашди.

Унинг айтишича, Ўзбекистон пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш бўйича Марказий Осиёнинг энг йирик ҳамда саноати ривожланган мамлакати бўлиб, юртимизда Ҳиндистон ҳамда бошқа хорижий давлатларнинг компаниялари билан мазкур соҳада сармоявий ҳамкорлик учун барча шарт-шароит яратилган.

Ўз навбатида, **Халқаро Ипакчилик комиссияси бош котиби, Ҳиндистон ипаги бўйича Марказий кенгаш аъзоси И. Рой** Ўзбекистонда тўқимачилик жабҳасида эришилган муваффақиятлар ҳинд ишбилармонларида катта таассурот қолдирганини маълум қилди.

— Ўзбекистон делегациясининг вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш борасида қизиқарли ва ўзаро манфаатли таклифлар илгари сурилди, — деди у. — Шу маънода, ишбилармонларимиз тўқимачилик ва ипакчилик соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳамда тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Яъни мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни янада мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишдан бирдек манфаатдормиз.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

14 МАРТ — «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

## Эзгуликни тараннум этиш завқи

Юртимизда бахшичилик санъати алоҳида қадрланади. Зеро, тилдан-тилга кўчиб, буюк ўтмишимиздан ҳикоя қилувчи достонларда халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари юксак тараннум этилади. Бинобарин, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш» каби достонларимиз маънавий қудратимизнинг ёрқин тимсолидир. Бизга ғурур бахш этадигани шундаки, минг йиллар давомида достонларни куйлаб, гавҳардек асраб келган бахшилар чинакамига қадр ва эъзоз топди. Хусусан, Президентимизнинг Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвонининг таъсис этилгани қадимий санъатимизга бўлган эътиборнинг нақадар юксак эканини кўрсатади.

Бахшилик — сеҳрли санъат. Уни бир қолипга солиб бўлмайди. Ҳатто достонни ҳам турли усулда айтамиз. Битта достон икки-уч соат айтилади. Бахши ижодкор эмасми, завқи келса, ўн соат ҳам айтади.

Бугун бахшиларимиз куйлаётган достонларда, термаларда халқимизнинг бекиёс жасорати, букилмас иродаси, мустаҳкам иймон-эътиқоди, ёруғ келажакка бўлган қатъий ишончи бaралла тараннум этилмоқда. Зеро, мустақиллик халқимизнинг узоқ йиллик анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган бу санъат тури учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очди.

Қадим замонлардан буён қаҳрамонлик ва ишқий романтик достонларнинг яратувчилари ҳамда ижрочилари эл орасида жуда машҳур бўлган. Шу боис бахшичилик санъатининг Ватанни мадҳ этиш, ёшлар онгига миллий ғояларни сингдириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни беқиёс.

(Давоми 2-бетда).

■ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ахборот-коммуникация соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳалар, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши ҳамда электрон рақамли имзонинг асоси ҳисобланган “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантиришга оид комплекс дастурни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаган эди.*

# Ахборот-коммуникация технологиялари ва қонунчилик

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси йиғилишида мазкур йўналишдаги устувор вазифалар ҳақида сўз борди. Жумладан, унда қўмитанинг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ҳамда “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларнинг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасида амалга оширилишига оид қарори бажарилиши муҳокама этилди. Бу эса муқаддам ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунларидан келиб чиқиб, электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш тизимини янада яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ҳамда тавсиялар ижросини чуқур таҳлил этиш имконини берди.

Депутатлар мазкур идоралар томонидан бу борада муайян ишлар рўёбга чиқарилганини қайд этишди. Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий қилишни жадаллаштириш, компьютердан фойдаланиш, электрон ҳужжат айланиши тизими самарадорлигини ошириш бўйича тегишли режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган.

Давлат статистика қўмитасида статистик бюллетенларни электрон шаклда тарқатиш механизмлари амалиётга жорий қилинмоқда, статистик ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этишни кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилаяпти. Ўз навбатида, рўйхатга олувчи ва давлат статистика идоралари ўртасида интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини таъминловчи “Хабарнома” дастури модули ишлаб чиқилган. Натижада 2012 йил якуни бўйича Давлат статистика қўмитасида қоғозсиз ҳужжат алмашинуви 81,5 фоиз (2011 йилда 68,7 фоиз)ни ташкил этган.

Шунингдек, электрон рақамли имзо калитларини фаоллаштириш ва уларнинг амал қилиш муддатларини узайтиришга қаратилган ишлар бажарилган. Ҳозирги пайтда Давлат статистика қўмитасида 1517 нафар ходим ЭРИ калитлари билан таъминланган. Бу эса электрон ҳужжат айланишини ташкил этиш, статистик ҳисоботларни электрон шаклда йиғиш ҳамда қайта ишлашда айни муддао бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида тасдиқланган чора-тадбирлар асосида лицензиялаш ва рухсат бериш жараёнларида маълумот алмашинувининг электрон технологияларини жорий этишни кенгайтириш ҳамда вазирлик тизимидаги тадбиркорлик субъектларига тегишли интерфаол хизматларни масофавий тақдим этиш йўлида фаол иш олиб борилаяпти. Вазирлик расмий сайтида жисмоний ва юридик шахсларга таклиф этиладиган интерфаол хизматлар рўйхати кенгаймоқда. Қолаверса, электрон почта серверининг техник имкониятлари тубдан кенгайиб, унинг узлуксиз ишлаши учун имконият яратилди. Музей экспонатлари каталогини юритиш, ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими ва музей буюмларини бошқариш бўйича “SKM Muzey” махсус дастури ҳам ишлаб чиқилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар соҳада амалга оширилган бир қатор ижобий ишлар қаторида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, жумладан, Миллий ахборот тизими, “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ҳамда ривожлантириш бўйича мавжуд камчиликлар ва устувор вазифаларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари аъзолари ўзларининг партия платформалари ва ҳаракат дастурларидан келиб чиқиб мулоҳазаларини билдирди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари фикрича, илғор АКТдан унумли фойдаланиш мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, бизнес ва меҳнат самарадорлигини ошириш, истеъмол бозорини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу боис ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишни ривожлантиришга оид ҳуқуқий ҳужжатлар сўзсиз бажарилиши устидан депутатлик назоратини кучайтириш зарур. Бу эса бизнес ва аҳолига хизмат кўрсатиш самараси ҳамда сифатини юксалтиради, давлат хизматлари кўрсатиш харажатларини сезиларли даражада камайтиради, ҳисоботларни тақдим этиш, лицензия ва рухсатномалар бериш таомилларини рўёбга чиқариш жараёнларидаги шаффофликни оширади.

ЎзХДП фракцияси аъзолари таъкидлаганидек, қисқа муддатларда нафақат ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш, балки аҳолининг кенг қатламлари учун қулай бўлган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида илғор мамлакатлар сафига қўшилиш лозим. Бунинг учун ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Масалан, аҳолини халқимизнинг тарихий маънавий-маданий дурдоналари билан яқиндан таништиришда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси вакиллари “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш бўйича дастурда белгиланган йўналишлар уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратдилар. Уларнинг фикрича, миллий ахборот тизимини яратиш ҳамда уни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарур. Айни чоғда партия аъзолари миллий ахборот макони, жумладан, унинг ресурслари ва тизимини соҳада эришилган глобал ютуқларга ҳамоҳанг тарзда тараққий топтириш лозимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг фикрига кўра, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш фуқаролар ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини тезлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалалари бўйича қарорлар қабул қилишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг таъкидлашича, замонавий ахборот-коммуникация ютуқларини жамият соҳаларига кенг татбиқ этиш, қоғозсиз технологиялардан унумли фойдаланиш атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарорлигини таъминлаш, табиий ресурсларнинг ортиқча сарфланишини олдини олиш, энг муҳими, соф экологик ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, бу аҳолининг дунёқараши ва маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Йиғилиш якунлари бўйича “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги ва “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларни янада маромига етказиш, уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган қўмита қарори қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Саноатимизнинг жадал ривожи

## ҳудудларда ташкил этилаётган корхоналарнинг самарали фаолиятида яққол намоён бўлмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чет эл инвестицияси иштирокидаги замонавий корхоналардан бири, бу — “УзСангву” қўшма корхонаси. Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган янги автомобиллар учун штампланган деталлар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхона Фарғона механика заводи ҳудудида жойлашган. Унинг лойиҳавий қиймати 47,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, ушбу маблағнинг 23,3 миллион АҚШ доллари янги асбоб-ускуналар сотиб олишга, 14,4 миллион АҚШ доллари эса қурилиш-монтаж ишларига сарфланди.

Корхона йилига 82,7 миллион АҚШ долларилик ёки 120 мингта комплект деталь ва эҳтиёт қисм ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда меҳнат аҳли асакалик автомобилсозларга “Chevrolet Cobalt” автомобилининг кузов қисми учун зарур деталларни узлуксиз тайёрлаб бераяпти.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда меҳнат қилаётган 600 нафар ишчининг 70 нафардан зиёди ўтган йили вилоят касб-ҳунар коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

Айни пайтда корхонада янги технологик линияларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб унинг тўла қувват билан ишлашини инобатга олсак, жамоа сафи ёшлар ҳисобига кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиши муқаррар.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Абдулла шоир Нурали ўғли, Қодир бахши Раҳимов Москва, Парижда, Қаҳҳор бахши Қодир ўғли АҚШда бахшичилик санъатини намойиш этиб, олқишларга сазовор бўлишгани бежиз эмас. Бугунги кунда ушбу анъаналарни кўплаб ёш бахшилар давом эттираётгани бизни қувонтиради.

## Эзгуликни тараннум этиш завқи

Ҳақиқий бахши ҳозиржавоб бўлади. Янгиликни кўрдими, ўйлаб ўтирмайди, термалар оҳанги билан қуйилиб келаверади. Айниқса, истиқлол йилларида рўй бераётган ўзгаришлар биз, бахшиларга туганмас илҳом бағишлаб, янгидан-янги достонлар яратишга ундамоқда, эзгуликларни баралла тараннум этишга руҳлантирмоқда. Қолаверса, бугунги оқилона сиёсат, элнинг иноқлиги, буюк келажак ҳақида жўшиб куйлаш — муқаддас бурчимиздир.

**Етмишбой АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси.**

# Янги қувватлар, қўшимча имкониятлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Юртимизда бундан кейин ҳам импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръати йил сайин ошиб, экспорт ҳажми эса кўпайиб бораверади, — дейди Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари Азмиддин Қамбаров. — Сабаби, Президентимизнинг 2011 йил 31 октябрдаги “2012 — 2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантиришни ва бошқарувини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ушбу даврда 312 та корхона ишга туширилади. Пировардида қўшимча равишда 63,1 минг тонна мева-сабзавот, 16,5 минг тонна гўшт ҳамда 45,7 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти яратилади.

Анжуманда сўзга чиққанларнинг қайд этишича, янги қувватларни ишга туширишда ички инвестициялар билан бирга, хориж сармояларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, жорий йилда умумий қиймати 106,6 миллиард сўмлик 347 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. 3200 га яқин иш жойлари очиладиган мазкур янги корхоналарнинг асосий қисми қишлоқ жойларда барпо этилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Корхона фаолияти қайта тикланди

*Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестиция ёрдамида Намангандаги ипакчилик корхонаси фаолияти қайта тикланди. У эндиликда “Werigrov ipagi” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонага айлантирилди.*

■ ИНВЕСТИЦИЯ

Сингапурнинг “Werigrov PTE LTD” компанияси 2 миллион 532,5 минг АҚШ долларига тенг сармоя жалб этиши билан корхона ишлаб чиқариш цехлари ҳаракатга келди.

Айни пайтда янги ташкил қилинган мазкур жамиятда 134 кишининг бандлиги таъминланди. Бизнес лойиҳага кўра, бу ерда йилига 400 тонна пилла қайта ишланиб, 240 тонна табиий ипак тайёрланади. Муҳим жиҳати, хорижий инвесторлар асосий хом ашё — пиллани етиштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаяпти. Шу мақсадда жорий йилнинг ўзида 200 гектар майдонда тутзорлар яратишга киришилди.

— Жамоамиз ўтган қисқа муддатда 4,8 тонна ёки 521,6 миллион сўмлик табиий ипак ишлаб чиқаришга эришди, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Ҳ. Мамадиев. — Унинг 130 минг АҚШ долларига тенг қисмини экспорт қилдик. Жамиятимиз тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 700 нафарга етади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янгиликлар, воқеалар, *хабарлар*

*Зарафшон шаҳридаги Марказий кон бошқармасига қарашли “Мурунтов” ва “Тошқўра” конларида бугунги кунда 300 га яқин тоғ-кон машина ва механизмларидан самарали фойдаланилмоқда.*

## Сунъий йўлдош орқали бошқарилади

Яқинда бу ерга 220 тонна юкни кўтара оладиган 13 та гигант машина келтирилди. Инновацион технологиялар асосида ишлайдиган мазкур техникалар тоғ рудаларини кўпроқ ташиш билан бирга, кам ёқилғи сарфлайди. Муҳими, уларни назорат қилиш тизими сунъий йўлдош орқали бошқарилади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Юзта иш ўрни яратган тадбиркор

*Узун туманидаги “Меҳрож” савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Қурбон Шукуров яқинда Носир Рамазонов номидаги маҳаллада савдо гузари қуриб, фойдаланишга топширди.*

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хўжалик моллари билан савдо қилувчи дўконлар, ошхона, пойабзал ҳамда алоқа воситаларини таъмирлаш устахоналаридан иборат мажмуада маҳалланинг 40 нафардан зиёд ёшлари меҳнат қилмоқда.

— Яқин кунларда гузарда миллий либослар ва трикотаж кийим-кечаклар тайёрлаш цехини ҳам ишга туширамиз, — дейди тадбиркор. — Шу мақсадда 32 та иш унуми юқори ҳамда тежамкор бўлган замонавий тикув машинаси хариди учун банкдан кредит расмийлаштирдик. Ушбу цехга маҳалламизнинг 50 га яқин хотин-қизларини ишга олмоқчимиз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси

*Қарши шаҳрида “Тадбиркорлик — обод турмуш гарови” лойиҳаси доирасида ёш тадбиркорлар ўртасида кўрик-танлов ва “Бўш иш ўринлари” ярмаркаси ташкил этилди.*

Вилоят ҳокимлиги ҳамда “Камолот” ЁИҲ ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшлар қатнашди.

Ярмаркада 62 та турли корхона ҳамда ташкилотлар томонидан тақдим этилган 510 та иш ўрнининг 300 тасига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қабул қилинди. Жорий йилда коллежларни тугатаётган ёшлар билан ҳам уч томонлама шартномалар тузилди.

Ёш тадбиркорлар танловининг 10 нафар ғолиби эса бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Асрга тенгдош дўппилар сеҳри

*Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳамда “Чорсу” тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида “Нақшинкор дўппилар сеҳри” деб номланган кўргазма ўтказилди.*

Жамоатчилик вакиллари, дўппидўз ва санъатшунослар, талаба-ёшлар қатнашган мазкур тадбирда ўзбек халқ амалий санъатининг кенг тарқалган тури — дўппидўзлик тарихи, унинг ҳудудий ўзига хосликлари хусусида фикр алмашилди.

Кўргазмада Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларига хос “Йўрма”, “Босма”, “Ироқи”, “Пилладўзи”, “Қалампирнусха”, “Зардўзи” каби услубларда тикилган дўппилар намойиш этилди. Аҳамиятлиси, бу дўппиларнинг аксарияти ўтган асрнинг бошларида яратилган бўлиб, улар жилоси ва нақшинкорлиги билан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Обод юртнинг мафтункор гўшаси



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Оқёр қишлоғида фойдаланишга топширилган маҳалла гузари — шулардан бири. “Оқёр” масъулияти чекланган жамияти ҳамда банк кредити ҳисобига бунёд этилган мазкур гузарда савдо ва сервис хизматлари кўрсатиш, ишлаб чиқариш тармоқлари ўрин олган. Натижада 54 та янги иш ўрни яратилиб, шунча қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди.

Чиндан ҳам, намунавий тураржойларни лойиҳалаштиришда қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари яратиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Бу масала нафақат маҳалла марказларида иш бошлайдиган хизмат кўрсатиш субъектлари орқали, балки чорвачилик ва иссиқхона хўжаликлари ҳисобига ечимини топаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Айни пайтда тумандаги Хартум, Найман, Кўнжи, Ёрбоши, Оқёр қишлоқларида жами 185 та тураржой биноси бунёд этилаяпти.

— Барча шарт-шароитга эга бўлган қулай ва замонавий уйларда яшашнинг ўзи бир бахт, — дейди Асака туманидаги Файзобод маҳалласида истиқомат қилувчи Анвар Оқйўлов. — Касбим қурувчи бўлгани учун бундай иморатларни тиклаш осон эмаслигини, қанча ишчи кучию қанча маблағ ва материаллар сарфланишини яхши биламан. Шу соҳада 40 йилдан ортиқ меҳнат қилган бўлсам, тўғриси, қишлоқ аҳолиси учун бундай тураржойлар қурилганини эслолмайман. Бу мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг бизга бўлган ғамхўрлиги мевасидир. Қаранг, шароити шаҳарникидан сираям қолишмайди. Ошхона, ювиниш хоналари ичкарида. Меҳмонхона, болалар хонаси, ётоқхона, дам олиш хоналари алоҳида-алоҳида. Хоналари кенг, ёруғ, баланд. Бахридилингиз очилади. Маза қилиб яшаяпмиз. Бундай уй-жойлар қурилишининг ташаббускори бўлган Юртбошимизга раҳмат!

Қувонарлиси, бу каби муваффақиятларимиз халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда бўлиб ўтадиган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқни комплекс ривожлантириш ва ўзгартириш, аҳоли ҳаёти сифатини яхшилаш локомотивидир” мавзуидаги халқаро конференция бунинг яққол далилидир.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Обод турмуш йилида қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшадиган янги уйлар қурилиши янада жадаллашади. Ҳозирги кунда вилоятдаги 45 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 900 та тураржой барпо этиш тадбирлари бошлаб юборилгани ана шундан далолат беради. Демак, яна шунча бахтиёр оила ўз уй-жойига эга бўлади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







## TAKLIF ETAMIZ!

«Uzbekistan Industrial Forum-2013»

**27 - 29 MART**

«O'zekspomarkaz», Toshkent

**5- XALQARO SANOAT FORUMI**



- Tog'-kon sanoati uchun texnologiya va asbob-uskunalar
- Metallurgiya, metallni qayta ishlash, mashinasozlik
- Maxsus texnika
- Sanoat avtomatizatsiyasi
- Xavfsizlik texnologiyalari

UZ MINING expo · UZ METAL/MASH expo · UZ SECURE expo · UZ AUTOMATION expo · UZ SPECTECH expo

Tashkilotchi: «IEG Uzbekistan» ko'rgazmalar kompaniyasi. Tel.: (+99871) 238-57-82.

IEG UZBEKISTAN

341

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

11R/109


## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, умумий майдони 12624 кв.м., қурилиш ости майдони 3884,15 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 548 263 433 сўм.***

**2.** Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» Х/Кга тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 1 053 830 498 сўм.***

**3.** Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, Аэропорт-9 манзилида жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси.

***Бошланғич баҳоси — 509 822 194 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 29 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 27 март куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 29 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 12 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.**
**Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

374А/1453


## «SN INVEST» компанияси

**қуйидагиларни етказиб беради:**



- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

**Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz**

87R/43


## «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ

**АКТни татбиқ этиш бўйича қуйидаги танловни эълон қилади:**

- ташкилот ва соҳавий портал дастурий-аппарат мажмуасини етказиб бериш, унинг кейинги юритилишини таъминлаш;
- ахборотларни электрон кўринишда топшириш дастурини тайёрлаш ва қўллаш;
- туризм соҳасида «Электрон ҳукумат» лойиҳасини шакллантиришда иштирок этиш, унинг бошқа давлат органлари ҳамда ягона давлат хизматлари портали билан интеграциялашуви ва ўзаро боғланишини таъминлаш.

Танловда юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар қатнашишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши керак:

*1. Танловда қатнашиш учун ариза.*
*2. Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.*
*3. Танлов иштирокчиси вакилининг телефони ва электрон манзили кўрсатилган маълумотлар.*

Таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 иш куни мобайнида қабул қилинади.

Барча қатнашчиларга техник талаблар ва танлов шартлари берилади.

**Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар «АКТни татбиқ этиш бўйича танловга ариза» деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 47-уй, 18-хона, «Ўзбектуризм» МК. Маълумот учун телефон: (+99871) 236-36-58.**

385R/260

---

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти

**Рихсивой АВАЗОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва Касаба уюшма қўмитаси Маданиятлараро алоқалар, таҳрир ва адабиётшунослик кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Шаҳноза Тўйчиевага волидаи муҳтарамаси

**Муҳаббат ШАРАФУТДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

"Тошкент трактор заводи" ОАЖ жамоаси завод техника кенгашининг раиси, профессор, техника фанлари доктори Рафик Матчановга ўғли

**Тимур МАТЧАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## БОЛАЛАР СПОРТИ

*“Бугун ҳеч кимга сир эмас, эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етади. Шу асосда ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлмиш соғлом фарзанд ўстириш, аҳолимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади.*

*Айнан ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланиши, мусобақаларда қатнашиш орқали қатъиятлик ва мардлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, таъбир жоиз бўлса, аввало, ўз устидан ғалаба қозониши, бир сўз билан айтганда, мустаҳкам иродага эга бўлиши учун пухта замин яратади”.*

# Соғлом ва шижоатли авлод

### эртанги кунимизнинг муносиб давомчиларидир



Президентимиз томонидан айтилган, ўзида жуда чуқур маъно-мазмун касб этган ушбу сўзлар мамлакатимизда фарзанд тарбиясига нақадар масъулият билан ёндашилишини, баркамол авлодни вояга етказишда спортга алоҳида эътибор қаратилишини яққол ифодалайди. Бу борадаги сиёсат жойларда спорт инфратузилмасини такомиллаштириш, шу асосда болаларнинг жисмоний машғулотларда мунтазам иштирокини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Фикримизни Хоразм вилояти мисолида давом эттирсак. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён ўтган вақт мобайнида, аниқроғи, 2003 — 2012 йиллар даврида ҳудудда 87 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 80 фоизи қишлоқ жойларда бунёд этилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 29 миллиард сўм йўналтирилди. Шунингдек, спорт мажмуалари зарур жиҳозлар ва инвентарлар билан таъминланди.

Бугунги кунда ана шу болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги “Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида ушбу жиҳатлар қатъий белгилаб қўйилган. Айни пайтда вилоятда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 142 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар жисмоний соғломлаштириш машғулотлари ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 36,7 фоизи қизлардир. Спорт иншоотларидан фойдаланишнинг ўртача кўрсаткичи кунига 9,2 соатни ташкил этаяпти. Мажмуаларда беш ярим мингга яқин тўгараклар, қарийб 300 та гуруҳ доимий фаолият юритмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 61 янги секция ва гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада яна минг нафарга яқин ёшлар спортга жалб этилди.

**Спорт масканларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мураббийлар зиммасига ҳам жуда катта масъулият юкланади. Айтиш жоизки, ҳозир Хоразмда 1936 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси, 895 нафар спорт мураббийи ёшларга сабоқ бермоқда. Айниқса, аёл тренерлар сафи ортиб бораётир. Ўтган йилнинг ўзида жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича олий таълим муассасаларини битирган 14 нафар қиз улар сафига келиб қўшилди. Бу, ўз навбатида, қизлар ўртасида спортни оммалаштиришга ижобий таъсир кўрсатаяпти.**

Бугунги кунда қизлар 31 спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Барча туманларда бадиий гимнастика марказлари фаолият юритаяпти. Уларга 2200 га яқин қиз жалб этилган. 10 та ёпиқ ва очиқ сув ҳавзасида эса минг нафарга яқин қизлар машғулотларда қатнашаяпти.

— Бадиий гимнастикага жуда қизиқаман, — дейди Боғот туманидаги 36-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Гулибону Кенжаева. — Ушбу спорт тури қизларнинг соғлом, қадди-қомати келишган, чиройли бўлиб улғайишига ёрдам беради. Шунинг учун мен ҳам машғулотларда астойдил иштирок этиб, мураббийимиз ўгитларига қатъий амал қилишга интилаяпман. Ниятларим кўп. Келажакда зўр спортчи бўлиб, юртимиз номини улуғлашга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Албатта, ёшларимиздаги мана шундай самимий фикрлар, эзгу мақсадлар ҳар биримизни қувонтиради, қалбимизга ғурур туйғусини бахш этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишларида янгидан барпо этилаётган спорт мажмуаларини, асосан, маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлаб келадилар. Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, бу борада Хоразм воҳасида ҳам зарур чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Айни пайтда вилоятдаги “Хоразм гиламлари”, “Питнак техметпром” масъулияти чекланган жамиятлари, “Мегасфера” қўшма корхонаси, “Элинза”, “Истиқлол”, “Хонқа стар”, “Боғот чарм” хусусий корхоналарида турли спорт инвентарлари, спорт кийимлари ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили Урганч шаҳрида “Хоразм спорт импекс трайд” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона ташкил этилиб, унда 17 турдаги спорт анжомлари ва ускуналари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатлар амалда ўз самараларини бераяпти. Болаларнинг спортга қизиқиши тобора ортиб, муайян муваффақиятларга эришмоқдалар. Масалан, ўтган йили вилоятдан халқаро спорт мусобақаларида қатнашган 21 нафар ўқувчидан 5 нафари совриндор бўлди. Республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этган 458 нафар ёш спортчининг 213 нафари ғолибликка эришди. Сўнгги беш йилда Хоразмда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш спортчилар орасидан 712 нафар спорт усталигига номзод, 136 нафар спорт устаси, 15 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси етишиб чиққани фикримиз тасдиғидир.

**Истиқлол йилларида юртимизда олиб борилаётган барча ишларнинг замирида баркамол авлод орзуси мустаҳкам ўрин эгаллаганини англаш қийин эмас. Масалан, мантиқан бири-бирига ҳамоҳанг бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йили, Ёшлар йили, Баркамол авлод йили, Мустаҳкам оила йилида улкан чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинди. Шубҳасиз, бу эзгу ишлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилади.**

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАЪЛИМ

*Ромитан туманидаги 6-умумтаълим мактаби 145 турдаги замонавий ўқув–методик қўлланмалар ҳамда зарур жиҳозларга эга бўлди.*

# Мактабга — замонавий жиҳозлар

Бу хайрли иш Халқ таълими вазирлигининг Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги “Мактаб таълимини ривожлантириш” лойиҳасининг иккинчи босқичи доирасида амалга оширилди.

— Натижада умумий қиймати 15 миллион сўмликдан зиёд услубий адабиётлар, тикув машинаси, телевизор, лаборатория жиҳозлари, мусиқа асбоблари ажратилди, — дейди мактаб директори Файзулла Зикриллаев. — Бу ўқув жараёнини қизиқарли ташкил этиш, таълим сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда. Ўз навбатида, ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари ошаяпти.

Айтиш жоизки, мазкур лойиҳада Ромитан, Пешку, Ғиждувон туманларидаги жами 94 та умумтаълим мактаби ва 74 та мактабгача таълим муассасаси қамраб олинган. Унинг биринчи босқичида ушбу тумanlардаги таълим муассасаларига 650 минг АҚШ доллари миқдорида ўқув материаллари ҳамда жиҳозлар етказиб берилган эди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Гулистон шаҳрида ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати учун замонавий ўқув биноси қурилиб, ишга туширилди.*

# Иқтидорли болалар кошонаси

330 ўқувчига мўлжалланган бинода махсус фан, лингафон ва компьютер хоналари, спорт зали, ошхона ҳамда устахоналар мавжуд. Бу иншоотни барпо этиш учун 4 миллиард 15 миллион сўм сарфланди. 580 миллион сўмлик зарур жиҳозлар олиб келинди.

— Мактаб биноси кенг, шинам, ўқув хоналари кўп, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Т. Маматхолиқова. — Шу пайтгача рассомлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, амалий санъат, фортепьяно, қашқар рубоби, доира йўналишлари мавжуд бўлган бўлса, эндиликда улар ёнига Шарқ миниатюраси ва ҳайкалтарошлик ҳам киритилди.

Мазкур кошона янги ўқув йилидан эътиборан истеъдодли болаларни ўз бағрига олади.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## НАВРЎЗ НАФАСИ

*Ҳар йили кўклам нафаси уфуриши билан нафақат Фориш аҳли, балки Жиззах воҳаси ва унга қўшни вилоятларнинг курашчию полвонлари, халқ миллий ўйинлари ҳамда анъанавий ижрочилик санъати ихлосмандлари, пойтахтлик ижодкор ва мутахассислар, хорижлик сайёҳ ҳамда экспертлар, қўйингки, баҳорни, янгиланишни соғинган, меҳрга ташна ёшу қари Қизилқирда ўтадиган Наврўз байрамига ошиқади.*

### Халқ ўйинлари:

# эпчиллик, ботирлик ва бирдамлик ифодаси

— Чунки, — дейди Фориш туманининг Илончи қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Умурқул Исломов, — ўзгача табиати ва табиий жойлашуви билан кишини ўзига жалб этадиган Қизилқирдаги байрам бутунлай бошқача ўтади. Байрамда ташкил этиладиган болалар ўйинларидан тортиб, улоқ-кўпкари каби юзлаб халқ ўйинлари халқимиз турмуш тарзи, тарихи ва орзу-истакларини ўзида акс эттиради. Ўйинлар орқали ёшлар ўзининг нималарга қодирлигини кўз-кўз қилишса, катталар жисмонан соғлом, руҳан тетик ва баркамол авлод етишиб чиқаётганлигидан қувонишади.

Дарҳақиқат, воҳанинг Фориш туманида сақланиб қолган юзлаб ўйинлар туман, вилоят, республика миқёсида оммалаштирилиб, ҳозирги кунда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади. Шу боис кўплаб халқ ўйинлари бўйича турли мусобақалар, фестиваллар ўтказиб келинмоқда.

Энг қувонарлиси, ёш авлодни соғлом ва маънавиятли қилиб тарбиялашда мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртларида халқ ўйинларидан кенг фойдаланилаяпти. Уларнинг бир қанчаси мактаб дастурларига киритилган. Муҳими, ўйинлар ҳаракатларга бойлиги, тезкорлиги, табиийлиги ва мавсумийлиги билан ёшлар орасида кенг оммалашиб бораяпти. Хусусан, “Бештош”, “Уриб қочар”, “Отиб қочар”, “Қўрғон” ўйинлари қизлар учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг соғ-саломат вояга етишида катта аҳамиятга эга. Эътиборли жиҳати, мазкур ўйинлар ҳеч қандай жиҳозларсиз далаларда ва текисликларда ўйналиши мумкин. Ўғил болаларнинг “Бўрон”, “Чунка шувоқ”, “Бир таёқ”, “Таёқ жанги” каби ўйинларидан республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. “Бўрон”, “Минди” каби ўйинлар катта куч талаб қилиши билан аҳамиятли бўлиб, ёшларни чидамлиликка, ўз кучига тўғри баҳо беришга, ботирлик ва ғолиб бўлишга интилишга ўргатади.

Эътироф этиш керакки, тарихи узоқ-узоқларга бориб тақаладиган халқ ўйинлари истиқлол туфайли қайта дунё юзини кўрди. Мустақилликнинг дастлабки йили халқимизнинг, жумладан, форишликларнинг миллий анъаналари асосидаги “Халқ ўйинлари” байрами туман миқёсида ўтказилган бўлса, кейинги икки йилда вилоят даражасида кенгайди. 1994 йилда эса Форишда 1-Республика “Халқ ўйинлари” олимпиадаси ташкил этилди. Байрам тадбирларига ташриф буюрган иштирокчилар, мутахассислар, айниқса, хорижлик экспертлар Қизилқир сайилгоҳи ва мингга яқин чавандоз қатнашадиган табиий майдон — отчопарни кўриб ҳайратда қолишган, ўйинларнинг мазмунга бойлиги ва самарадорлигини таъкидлашган эди.

Дарвоқе, Форишда зўр байрам бошланмоқда. Қизилқирга шошилинг.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●




**Ташкилот «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 16 февралдаги 33-сонида чоп этилган «УСТ-56 ва УСБ-56 туридаги брезентли палаткалар етказиб бериш» бўйича эълон қилинган тендер муддати 2013 йил 31 март соат 18.00 гача узайтирилганлигини маълум қилади.** 390R/976






Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5